Аллоҳ бу ерни сабот манзили қилсин

13:59 / 24.06.2024 1417

Форслар Мадоинни ташлаб, Жалво номли томонга қочдилар. Улар бирлашиб, ўзларига Меҳрон исмли одамни бошлиқ қилдилар ва шаҳар атрофига хандақ қазиб, ҳимояга ҳозирландилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг амрларига биноан, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу у томонга Ҳошим ибн Утба бошчилигида ўн икки минглик аскар юборди. Лашкарнинг аввалида Қаъқоъ розияллоҳу анҳу борар эди. Саксон кунлик қамалдан сўнг мусулмонлар яширин йўлни билиб қолиб, ўша ердан ҳужум қилиб, шиддатли жанглардан сўнг шаҳарни фатҳ қилдилар.

Подшоҳ Яздажир бўлса, бу хабарни эшитиб, Ҳалвондан Райга ўтди. Қаъқоъ ибн Амр розияллоҳу анҳу 16-ҳижрий сананинг Зулқаъда ойида Ҳалвонни ҳам фатҳ қилди.

Ўша йили Тикрийт, Найнаво, Мувсил, Мосабозон, Ҳайтлар ҳам фатҳ қилинди.

Мусулмонлар Кисронинг пойтахти Мадоин шаҳрини фатҳ қилганларидан кейин уни ўзларига марказ қилиб олган эдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу у шаҳарда истиқомат қилаётган мусулмонларнинг ранглари сарғайиб, ўзлари заифлашиб бораётганларини мулоҳаза қилдилар. У киши Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга мактуб юбориб, «Салмон Форсий билан Ҳузайфа ибн Ямонни ер танлашга юбор. Ҳам

қуруқлик, ҳам денгизга яқин, мен билан сизларнинг орангизда сув ҳам, кўприк ҳам йўқ жойни топсинлар», деб амр қилдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу икковларини ўша вазифани бажариш учун юбордилар. Улар икки томонга кетиб, ер танлаб келиб, Куфа деган жойда учрашдилар. У ерда намоз ўқиб, «Аллоҳ бу ерни сабот манзили қилсин», деб дуо қилдилар. Кейин Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг олдиларга бориб, хабар бердилар.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу Қаъқоъ ва Абдуллоҳ ибн Муътам розияллоҳу анҳумога одам юбориб, «Ўринларингизга бошқани қўйиб, ўзингиз ҳозир бўлинглар», деб амр қилди.

Сўнгра Мадоиндан чиқиб, Куфанинг ерларига борди. Ўшанда 17-ҳижрий сананинг Муҳаррам ойи эди. Кейин Умар розияллоҳу анҳудан қамишдан уй қилишга изн сўрашган эди, у киши рози бўлдилар. Аммо режалаштириш пайтида қамиш уйлар куйиб кетди. Кейин ғиштдан қуришга келишилди.

Куфанинг бош меъмори Абу Ҳайёж ибн Молик эди. У биринчи бўлиб масжидга асос солди. Кейин шоҳ кўчанинг кенглигини қирқ аршин, унга яқинларини ўттиз, бошқаларини йигирма аршиндан қилди. Тор кўчаларни етти аршиндан, одамларга бериладиган қитъаларни олтмиш аршиндан қилди.

Куфа Фурот дарёсининг ғарбий қирғоғига қурилди. У билан дарёнинг орасида ярим фарсах масофа қўйилди. Шаҳар битганидан кейин хоҳлаганлар унга кўчиб ўтиши, хоҳламаганлар Мадоинда қолиши таклиф қилинди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.